

СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРНИ БАҲОЛАШДА САМАРАЛИ УСУЛЛАР

Кучкарова Н.П.*Тошкент давлат аграр университети*

Мақола суғориладиган тупроқларни баҳолашда, ҳозирги вақтда янги замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда суғориладиган тупроқларни сифатли, тез, аниқ ва самарали баҳолаш усуллари тўғрисида ёзилган.

Калит сўзлар: Суғориладиган, тупроқ, бонитировка, баҳолаш, сифатли, самарали, усуллар, ЭХМ.

Бизга маълумки Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги асосий ўрин тутади. Давлат бюджетини қиримиға дон, пахта ва сабзавот экинлари асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Дон ғалла мустақиликка эришиши билан давлат бюджети камомати камаяди ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш ерлардан унумли фойдаланиш билан эришилади. Суғориладиган ерларни унумдорлигини ошириш ерларни мелиоратив ҳолатини аниқ ҳисобга олиш билан бошланади. Бунда хўжаликни ҳозирги кундаги янгиланган тупроқ харитаси бўлиши ва унга тушинтириш хати ёзилган бўлиши керак. Тузилган тупроқ харитаси ва тушунтириш хати вилоят, туман ер тузиш бўлимиға ва хўжаликка “Узгипрозем” институтининг Бонитировка шўъба корхонаси томонидан тузилиб тарқатилади. Бу берилган тадбирлар агрономлар томонидан тўлиқ қўлланилмайди, сабаби тупроқ харитадаги маълумот катта майдонни характерлайди ва унда берилган табақаланган агрономик ва мелиоратив тадбирлар моҳияти хўжаликдаги мавжуд техникавий ва моддий шароитдан келиб чиқмаганлиги учун қўлланилмайди.

Бизнинг фикримизча суғориладиган тупроқларни бонитировкалашда ҳосилдорлик бўйича аниқ ва ишонарли маълумотлар асос қилиниб олиш керак. Дастлабки балл баҳо рўйхати чўл тупроқлари учун алоҳида ва бўз тупроқлари учун алоҳида тузилиб, чўл тупроқлари сув таъминоти оғир бўлганлиги учун камайтирувчи коэффицентларнинг асосийларига қўшимча яъна 0,9 коэффиценти киритилади. Дастлабки балл баҳо аниқлангандан кейин ўрганилаётган ҳудуд тупроғи аниқ баҳоланади. Бунда ҳар бир типдаги тупроқни хусусияти ва унга таъсир этувчи омилларни ижобий ва салбий даражасига қараб қўпайтирувчи ва камайтирувчи коэффицентлар қўлланилади (иқлим, механик таркиб, шўрланиш, эрозия, сув таъминоти истемол узоқ - яқинлиги, сизот суви ва минерализацияси). Хўжаликни тупроқ турларига қараб ҳисоблаб чиқилган балларға асосланган ҳолда ҳар бир тупроқ тури бўйича экилиши мумкин бўлган ҳамма қишлоқ хўжалиги экинларини ҳақиқий ҳосилини ҳисоблаб чиқса бўлади. Демак йил бошида тупроқ бонитетига асосланиб ҳосилни чамалаб олинса бўлади ва шу тариқа ер солиғи тўғри белгилаб олинishi мумкин.

Юкоридаги фикр ва мулохазаларга асосланиб қуйидаги тадбир таклифлар тавсия қилинади:

1. Суғориладиган тупроқларни хўжалик хариталарига ва мавжуд тупроқ хариталарига асосланган ҳолда тупроқ хариталарини аниқ масштабда жамоа ва давлат хўжаликлар учун 1:10000 ва фермерлар учун 1:2000, 1:5000 коррективировка қилиш керак.

2. Тупроқ харитасидаги контурлар бўйича тупроқ турлари номи, майдони ва балл баҳолари рўйхати берилиши керак.

3. Тупроқ турлари ва уларни балл баҳоларига асосланган ҳолда агроишлаб чиқариш гуруҳларига ажратиб табақаланган агрономик ва мелиоратив тадбирлар кўрсатилган бўлиши керак.

4. Тупроқ турлари бўйича экилиши мумкин бўлган қишлоқ хўжалиги экинларини хосилдорлик кўрсаткичи рўйхати берилиши керак.

5. Хўжаликлар балл баҳоларига асосланиб туман ва вилоят тупроқ хариталари балл баҳоси харитаси тузилиши керак. Тупроқ қиймат минтақаси харитасига асосланиб ер солиғи ва олди сотти баҳолари ва ернинг иқтисодий баҳоси келиб чиқади.

6. Республика бўйича ҳар бир туманда тупроқ бонитировкаси билан шуғилланувчи тупроқшунослар гуруҳи ёки бўлим ташкил қилиниши керак.

Тупроқ бонитировкаси, тупроқни сифат баҳоси – бу тупроқнинг сифат жихатидан қишлоқ хўжалик экинларига нисбатан унумдорлик кўрсаткичидир. Сифат баҳосининг кўрсаткичи асосан балл баҳосида ўлчаниб энг юқори унумдорликка эга бўлган тупроқ 100 балл деб қабул қилинган. Тупроқ бонитировкаси экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг талабига қараб қилинади. Ўзбекистондаги суғориладиган деҳқончилик шароитида пахта ва бошқа алмашлаб экиш экинларига боғланган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Суғориладиган бўз тупроқларни сифат жихатидан баҳолашда тупроқни қуйидаги хусусиятлари ҳисобга олинади: суғорилиш даври, маданийлашган даражаси, иссиқлик билан таъминланиш даражаси, механик таркиби, она жинси, оқавалилиги, шўрланиш даражаси, эрозияга учраш даражаси, тошлоқлилиги ва гипслашган даражаси.

Суғориладиган бўз тупроқлар учун дастлабки балл баҳоси пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари учун 100 балл бўлганда қуйидагича хосил олинади.

Пахта гектаридан 40 ц., 1 балл қиймати 0,40 ц/га тенг. Беда 1 чи йили – 100 ц/га., 1 балл қиймати 1,0 ц/га тенг ва беда 2-3 чи йиллари 200 ц/га., 1 балл – 2,0 ц/га. Маккажўхори дон учун 75 ц/га., 1 балл қиймати 0,7 ц/га ва маккажўхори силос учун 650 ц/га., 1 балл қиймати 6,5 ц/га. Озуқабоп илдиз мевалар 950 ц/га., 1 балл қиймати 9,5 ц/га. Бир йиллик ўтлар 300 ц/га., 1 балл 3,0 ц/га. Оралиқ экинлар 250 ц/га., 1 балл 2,5 ц/га.

Суғориладиган бўз тупроқларнинг дастлабки балл баҳолари механик таркибга қараб 70 балдан 100 балгачан баҳоланади. Ярим гидроморф тупроқларда оқаваси яхши бўлса автоморф тупроқларнинг дастлабки балл кўрсаткичлари олинади. Олинган дастлабки балл баҳосига таъсир этувчи факторлар ҳисобига олинган балл баҳо маълум даражада пасаяди, бунда иқлим, шўрланиш даражаси, эрозия даражаси ва гипслашган даражаси бўйича камайтирувчи коэффициентлар қўлланилади ва шу тариқа ўрганаётган тупроқнинг ҳақиқий балл баҳоси ҳисобланади.

Бизга маълум хўжалик бўйича бир неча хил тупроқ турчалари ва кўринишлари мавжуд. Бу тупроқларнинг балл баҳолари ва олинishi мумкин бўлган ҳосилни ҳисоблаш шахсий электрон ҳисоблаш машинаси (ЭХМ) ёрдамида ҳисоблашга ўтказиш мумкин. Шахсий (ЭХМ) ёрдамида ўтказилган ҳисоб ишларини дастурга тушириб бошқа тупроқларни ва хусусиятлари ўзгарган тупроқларни тезда ҳисоблаб олиш имконини беради. Ҳозирги вақтдаги мавжуд давлат ва жамоа хўжаликларидagi 1:10 000 масштабдаги тупроқ харитаси ва унга тушунтириш хати суғориладиган тупроқларни бонитировкалаш учун кифоядир, лекин баъзи хўжаликларда минерализацияси юқори бўлган сизот сувларининг кўтарилиши ва шўрланиши вужудга келиши ҳисобига тупроқнинг хусусиятида ўзгаришлар рўй беради, шунинг учун хўжаликларда агроном билан маслаҳатлашиб ўзгаришга учраган ерлардан тупроқ намуналарини олиб химиявий анализлар қилиб хусусиятларини тўлиқ аниқлаб баҳолаш учун қўйиладиган коэффициентлар аниқланади ва натижада тупроқни ҳақиқий балл баҳоси аниқланади.

Шахсий ЭХМ ёрдамида ҳисоблаш қуйдаги тартибда олиб борилади; Жадвалга дастлабки кўрсаткичларни киритиш ва коэффициентларни киритиш, бонитетни ҳисоби ва мўлжалланган ҳосил, олинган маълумотлар ҳисоби кўрсаткичлари ёзма равишда киритилади. ЭХМ ёрдамида суғориладиган бўз тупроқларни сифат баҳосини ҳисоблаш анча тез ва аниқ бўлиб агрономнинг қимматли вақтини тежайди ва қайси тупроқга қайси қишлоқ хўжалик экинини экиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Ундан ташқари ҳар бир дала ва хўжалик учун ўртача балл баҳоси чиқарилиб берилади, демак дала ва хўжалик ҳар бир қишлоқ хўжалик экинни учун олдиндан режани тузиб олиш имкониятини беради.

Бу усулни таклиф қилишдан мақсад ҳар бир хўжалик раҳбари шахсий ЭХМ ёрдамида ўз хўжалик тупроқларини ҳақиқий сифат баҳосини ва олинishi мумкин бўлган қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини тез ва аниқ билиш мумкин. Бу қилинган иш шу кеча кундуздаги мавжуд ҳар қил мулк формалари мавжудлигида ерни ҳақиқий баҳосини билган ҳолда ерга тўғри ер солиғини солишга хизмат қилади.

Шундай қилиб юқорида кўрсатилган фикр ва мулоҳазалар эътиборга олинса, суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерлар тупроқ унумдорлигини ва мелиоратив ҳолатини аниқ ҳисобланиб қишлоқ хўжалик экинларидан олинadиган ҳосил чамаланиши ва ҳар қил солиқлар режаланиши тўғри ҳал этиларди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Кучкарова Н.П – Эрозионноопаснке земли правобережья р.Чирчик и их качественная оценка. Автореферат.канд.дисс., Ташкент, 2001г.
2. Махсудов Х.М., Гафурова Л.А “Эрозияшунослик” дарслик. Тошкент, 2014й.